

**мавзу.** Корхоналарда сифатни бошқариш

# Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларида сифатни бошқариш





**Тошкент – 2020**

# РЕЖА:

1. Сув хўжалигида сифат назорати турларининг таснифи ва уларнинг мазмуни.

2.Маҳсулот сифати назоратини ташкил этиш ва яроқсизликни олдини олиш.

3.Сифат даражасини баҳолаш усуллари.

# 1. Сув хўжалигида сифат назорати турларининг таснифи ва уларнинг мазмуни

* Маҳсулот сифатини бошқаришда сифат назорати алоҳида ўрин эгаллайди. Айнан назорат белгиланган мақсадга ва муҳим бошқарув функцияларини амалга оширишга  эришишнинг самарали воситаларидан бири сифатида юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайди. Шунингдек маҳсулот сифатини бошқариш сифат назоратининг ташкил этилиши, мукаммаллик даражасига ва техник таъминотига ҳам  боғлиқдир. Алоҳида таъкидлаш жоизки, айнан назорат жараёнида амалда эришилган натижаларни режа билан таққослаш имкони бўлади.

* Сифат назорати махсулотга қўйилган талабларни тасдиқлаш учун қуйидаги назорат олиб борилади:
* -кириш назорати;
* -оралиқ назорат;
* -якуний назорат
* -синов ва назорат натижаларини қайд қилиш.
* Тайёр маҳсулотни синовдан ўтказиш назоратнинг махсус тури ҳисобланади.
* Синовдан ўтказиш-бу маҳсулонинг бир ёки бир нечта характеристикасини жисмоний, кимёвий, табиий ва фойдаланиш шартлари ва омиллари мажмуи таъсирини аниқлаш ва тадқиқ қилиш.

# 2.Маҳсулот сифати назоратини ташкил этиш ва яроқсизликни олдини олиш.

* .Қурилиш ташкилотлари томонидан ишнинг сифатини назорат қилиш ва унга баҳо бериш тегишли булинма бош инженери раҳбарлигида олиб борилади. Қурилишнинг босқичлари ва бажарилишига қараб қуйидаги текширув ва назорат ишларига амал қилинади:
* Барча бажариладиган иш турлари бўйича назорат.
* Ускуна, буюм, конструкция ва материалларга оид техник ҳужжатларни текшириш.

* Ҳар бир ишни бажариш сифатини баҳолаш бўйича назорат.
* Танлов-текширув.
* Вақти-вақтида олиб бориладиган танлов-текширув.
* Сифатини текширишдан мақсад талаб қилинган меъёр ва лойиҳа маълумотларига бажарилган ишни ёки қурилган объектни мос келишини аниқлашдир. Умумий холда текширув куйидаги кўрсаткичлар оркали олиб борилади:

# 3.Сифат даражасини баҳолаш усуллари

* Маҳсулот сифатини яхшилашга оид вазифалар ва тадбирлар тузилаётганда уларни амалга ошириш имкониятлари ва мақсадга мувофиқлиги техникавий-иқтисодий жиҳатдан асосланади. Бунинг учун қуйидагилар асос қилиб олинади:
* - ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатига бўлган талаблар ва келгусида уни такомиллаштириш имкониятлари;
* - маҳсулотнинг сифат даражасини баҳолаш;
* - ишлаб чиқарилган маҳсулотда учраган нуқсонларни аниқлаш ва таҳлил қилиш;
* - лабораториядан ўтказилган синов натижалари, истеъмолчилар томонидан юборилган норозилик ҳужжатлари, техникавий назорат ва маълумотлар;

* - техникавий ҳужжатларни яхшилаш тадбирлари;
* - технологик интизомга риоя қилишни текшириш шароити, ишлаб чиқаришни ўлчов асбоблари билан таъминлаш, уларнинг аниқ ишлашини кузатиб туриш тадбирлари;
* - стандартларни ўзлаштириш, уларга риоя қилиш, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, нуқсонларнинг олдини олиш ва истеъмолчилар томонидан бўладиган норозиликларни камайтириш бўйича тадбирлар.
* Тадбирлар ўз вақтида бажарилишини таъминлаш учун уларнинг бажарилиш муддатлари, масъул кишилар, сарф харажатлар ва уларнинг иқтисодий самарадорлиги ва бошқа кўрсаткичлар аниқланади.